

“УЧИНЧИ РЕНЕССАНС” ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА ТАЪЛИМ СУБЕКТЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЗАРУРАТИ

Рахмонали Бозорбай ўғли Турсунов
ЎзМУ мустақил изланувчиси
raxmonali504@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада рақамлаштириш жараёни янада кенг тус олган бугунги кун, қолаверса ЯНГИ РЕНЕССАНС пойдеворини барпо қилиш даврида таълим жараёни субъектлари фаолиятига қуиладиган компетенциялар назарий таҳлил қилинган. Шу билан бирга пандемия шароитида педагог ва талабалар фаолиятида мавжуд муаммо ва камчиликлар ёритилган. Медиакомпетентликни ривожлантириш борасида амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: таълим субъектлари, масофавий таълим, медиа, медиакомпетентлик, рақамлаштириш, инновацион бошқариш, SMART тизими.

ABSTRACT

The article provides a theoretical analysis of the competencies that are poured into the activities of the subjects of the educational process today, when the process of digitization has become more widespread. At the same time, the existing problems and shortcomings in the activities of teachers and students in the context of the pandemic were studied. Practical proposals for the development of media competence were put forward.

Keywords: Study subjects, distance learning, media, media competence, digitization, innovation management, SMART system.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидланганидек, “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улутбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини

қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим”[1]

Тарихда РЕНЕССАНС номи билан эътироф этилган давлар қандай бўлган ва у давр зиёлилар, аҳолиси қандай кўникмаларга эга бўлганки, бу давр бутун инсоният тарихининг ёрқин шамчироғи бўлиб, кўплаб илмий кашфиётларга туртки бериб келмоқда!?

Янги РЕНЕСАНС даври пойдеворини яратиш учун энг аввало аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганишимиз шарт!

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, Фарб адабиётларида Европа мамлакатларида кескин маданий юксалишга олиб келган ХВ-ХВИИ асрларни Ренессанс – Уйғониш даври номи билан юритадилар. Масалан, XIX асрда яшаган француз олими Жозеф Эрнест Ренаннинг фикрича, “Абсолют тизимлар замони ўтди. Илгари ҳар бир олим ўз системасига эга бўлиб, унинг учун яшар ва керак бўлса жонини берар эди. Энди биз уларнинг барчасини бирин-кетин ёки бир варакайига ўргана оламиз”[2]

Дунёдаги ахборотлашган жамият муҳити таълим тизимига кучли таъсир этмоқда. Бугунги муентазам амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари, инновацион жараёнларнинг асосий вазифалардан бири рақамлаштириш жараёни хусусиятларига тўла мослашиш ҳисобланади. Ҳалқаро миқёсда ижтимоий институтларнинг таълим тизими бошқарувидаги ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш долзарблиги тобора аён бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнларини ахборотлаштиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиши, интегратив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифалар қаторига киради.

Дунёнинг ҳозирги ривожланиш босқичи илмий ахборотлар ҳажмининг мутассил ўсиб бориши билан тавсифланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 2012 йил 21 марта “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорлари, Ҳукуматнинг тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш, таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари, интернет ва

мультимедиа ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.[3]

Қолаверса, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Дастурининг бевосита 165-банди Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш масалаларига оид бўлиб, унда таълим жараёнини ахборотлаштиришга доир вазифалар ҳамда таълим субъектларида замон талабларига мос медиакомпетентликни шакллантириш вазифалари белгиланган.

Таълим муассасасининг электрон ахборот таълим муҳитини яратиш соф техник масала бўлиб қолмасдан, балки бунинг учун муассасанинг илмий-методик, ташкилий ва педагогик имкониятларини тизимли ёндашув асосида ишга солиш талаб этилади.

Замонавий ахборот телекоммуникацион технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

- ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўрганиш обьекти сифатида, яъни талabalар янги ахборот технологиялар, уларнинг таркибий қисмлар ва фойдаланиш соҳалари бўйича умумий тушунча ва малакаларга эга бўладилар;

- ахборот-телекоммуникацион технологиялар ўқитиши воситаси сифатида, яъни замоновий ахборот ва педагогик технологиялар асосида талabalарга билим берилади ҳамда маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари компьютерларнинг замонавий дастурий воситалари асосида ташкил этилади;

- таълим жараёнини бошқариш воситаси сифатида, яъни таълим муассасасининг барча иш фаолияти, шу жумладан ўқув, маънавий -маърифий ва илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини ошириш учун ахборотлаштириш, таҳлил ва башорат қилиш тизимини яратиш;

- талabalар ва профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик изланишларини амалга ошириш воситаси сифатида, яъни ўқув муассасасида ўқитувчи-профессор ва талabalар орасида илмий-тадқиқот ва педагогик изланишлар самарадорлигини ошириш учун замонавий ахборот тизимларини яратиш ва татбиқ этиш.

Ахборот технологиялари воситалари билан ишлайдиган педагог қуидаги компетенциявий талабларга жавоб бериши керак:

- Медиакомпетентлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган бўлишилиги;

Медиакомпетентлик (media competence) таълим тизимимиздаги нисбатан янги атама ҳисобланиб, у медиа маълумотларни турли кўринишда узатиш ва баҳолаш, ўрганиш, етказа билиш каби маъноларни ўз ичига олади. Медиатаълим ҳозирги даврда шахснинг оммавий ахборот воситалари орқали ривожланиш жараёни англатади. Профессор А.Б.Фёдоров замонавий оламдаги медиатаълимни оммавий ахборот билан мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ижодий, коммуникатив салоҳиятлар, танқидий тафаккур, медиаматнларни тўлақонли идрок этиш, талқин қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш медиатехника ёрдамида ўз-ўзини ифодалашнинг турли шаклларига ўқитиш мақсадида оммавий коммуникация(медиа) воситалари ва материаллари ёрдамида шахсни ривожллантириш жараёни сифатида кўради.

- Электрон дарсликлар яратা олиш ва улар билан эркин фаолият олиб бориш кўникмасига эга бўлиш;

- ZOOM, Google meet, Google disk, Camtasio studio каби дастурларда эркин ишлай олиш;

- Масофавий таълим платформасини креатив янгиликлар билан бойитиб бориш ва бошқалар.

Дунё миқёсида коронавирус пандемияси барча соҳалар сингари таълим тизимиға ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Карантин қоидалари кўплаб анъанавий таълим шакллари ва методларини самарасиз ҳолатга солиб қўйди. Бу вазиятда қўйидаги муаммо ва камчиликлар кўзга ташланди:

- Интернет алоқаси сифатининг нотекис тақсимланганлиги;

- АКТ мосламаларининг таълим субъектлари барчасида ҳам етарли эмаслиги;

- Таълим субъектларида медиа-ахборот қурилмаларидан фойдаланиш кўникмаси(медиасаводхонлик даражаси)нинг пастлиги;

- Масофавий таълим шаклида таълим субъектлари учун жавобгарликнинг тўлиқ таъминланмаганлиги каби бар қатор камчиликлар кўзга ташланди.

Таълимни ахборотлаштириш бўйича кадрлар тайёрлашнинг умумпедагогик тамойилларини қўйидагича келтириш мумкин:

-касбий йўналишга нисбатан базавий тайёргарликнинг инвариантлиги, унинг ахборот, коммуникация, умуммаданий жихатларга йўналтирилганлиги, ахборотлашган жамият

ривожланишининг ҳозирги даражасига мослиги;

- педагог кадрларни тайёрлашни ихтисослаштириш, яъни аниқ бир фан бўйича ахборот коммуникация технологиялари воситалари имкониятларини жорий этишга йўналтирилганлик;

-педагог кадрлар тайёрлашнинг дифференциаллашгани, унинг шахсий афзалигига, касбий эҳтиёжига ва талабаларнинг хусусиятларига йўналтирилганлиги.

Педагог кадрларни касбий ва ихтисослаштирилган тайёрлаш ҳамда дифференциаллашган ёндашув тамойилларини амалиётга жорий этиш учун ўкув дастурининг тузилмасини ишлаб чиқишида қуидагилар ўз аксини топиши лозим:

- ўкув дастурларида жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ҳолати;

- таълимни ахборотлаштиришнинг назарий асослари;

- ўкув дастурларида аниқ бир фан бўйича ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича педагог кадр фаолиятининг асосий ташкил этувчилари;

- мустақил таълим фаолиятининг методик таъминоти.

Мазкур талабларга жавоб бера оладиган ўкув дастурларининг кенг жорий этилиши юқорида кўрсатилган бир қатор камчиликларни бартараф этиш механизмини яратади, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳозирда компьютер технология имкониятларидан фойдаланмай таълим жараёнини ташкил этишни тасаввур қилиш қийин. Компьютер дастурий воситаларининг таркибиға кирувчи интерфейснинг қулайлиги, педагогларга замонавий ахборот технологияларини самарали ўзлаштиришлари учун имконият яратади. Шундай қилиб, ахборот ва коммуникация технологияларининг имкониятларидан шахсга йўналтирилган таълимни ривожлантиришда, талабаларнинг ижодий қобилияtlарини шакллантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Замонавий ахборот технологиялари микро ва макродунёдаги, мураккаб қурилмалар, биологик тизимлардаги ҳодиса ҳамда жараёнларни компьютер графикаси ва моделлаштиришдан фойдаланиш асосида ўргатиш, жуда катта ёки кичик тезликда содир бўладиган физик, астрономик, кимёвий, биологик жараёнларни қулай вақт ўлчамида тақдим этиш каби янги дидактик масалаларни ечишга ёрдам беради.

Шу боис, таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболли

йўналишларидан бири – ходиса ва жараёнларни компьютерда моделлаштиришдир. Компьютер моделлари анъанавий дарснинг таркибига ҳамоҳанг бўлиши ва ўқитувчи учун компьютер экранида, кўп эфектларни намойиш этишига, ўқувчиларнинг янги, ноанъанавий ўқув фаолиятини ташкил этишга катта ёрдам беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим ислоҳатлари жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнида қўллаш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ёш тадқиқотчилаrinинг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон манбалардан фойдаланиш шунингдек, замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий этиш хамда олий таълим муассасалари ўқув жараёнларини ахборотлаштириш тамоиллари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар олиб бормоқда. Хусусан, пандемия шароитида Олий таълим тизимидағи вазият ҳақида бевосита таълим субъектлари ўртасида сўровнома ўtkазилди. Мазкур сўровнома турли ОТМ ларининг 90 нафар педагог ходимлари ва 155 нафар талабалари иштирок этди. Сўровнома натижаларидан кўринадики, таълим субъектларида мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш малакаси шаклланмаган ёки бюрократия ҳолати мавжуд имкониятларга жиддий таъсир кўрсатмоқда.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида ОТМларда самарадорликни янада ошириш учун қўйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- таълим субъектларининг медиакомпетентлигини узлуксиз ошириб бориш механизмини ишлаб чиқиш(You tube ва бошқа ижтимоий тармоқларда мавжуд АҚТ турли дастурларидан фойдаланиш видеодарсларини ўзбек тилида ҳам кўпайтиришни давлат даражасида қўллаб-қувватлаш);
- таълим муассасалари учун зарур замонавий техник жиҳозлар билан таъминлаш жараёнини назоратга олиш ва амалий қўллаб-қувватлаш, чекка худудларда ҳам интернет алоқаси ва техник жиҳозлар тизимли фаолиятини йўлга қўйиш;
- барча илмий журналлар ва ишланмаларни Веб-сайтларга мунтазам жойлаб бориш;
- электрон бошқариш тизимларини фаолиятга кенг жорий этиш ва қоғозбозликларни, вақтни ўғирловчи кераксиз хужжатларни кескин камайтириш;

- Масофавий таълим платформасида, шунингдек барча ижтимоий тармоқларда ҳам субектларнинг масъулиятилигини ошириш механизмларини ишлаб чиқиши.

Бугун янги РЕНЕССАНС даврини барпо этиш учун жамиятимизда имкониятлар яратиш жараёнлари кечмоқда. Бу ерда энг эътиборли масала бўлиб, келажак эгалари, “Халқнинг олтин фондига” бўлмиш ёшларнинг замонага мос таълим олишларига эришиш ҳисобланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2020 йил 30 декабрь. №276. 2-бет.
2. Renan “Dialogues fragments philosophiques” – “Falsafiy dialoglar va parchalar”. F., 1876, p. VIII-IX.
3. Фан, техника ва таълимда инфокоммуникацион ва ҳисоблаш технологиялари: монография халқаро конференция маъruzalари ва тезислари. (М-во высш. и сред. спец. обр. РУз).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи 23.09.2020
5. Doniyev S.I, Ibrohimov F.A, Joldasov I.S. Boshlang'ich ta'lif rivojlanish tendensiyalari(Finlandiya ta'lif tizimi misolida). Pedagogika va psixologiyada innovatsiyalar. (2-maxsus son). Toshket-2020. 392-bet.
6. Р. Ишмухамедов, А. Абдуқодиров, А. Пардаев. “Таълимда инновацион технологиилар: таълим муассалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар”.
7. Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти мавзусидаги педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2007.